




ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ
ЮРИСТЛАР МАЛАКАСINI
ОШИРИШ МАРКАЗИ

КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК ЛИЦЕНЗИЯСИ



uzmarkaz.uz



КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК
ЛИЦЕНЗИЯСИ

kompleks tadbirkorlik litsenziyasi

Мазкур соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардан иборат:

1. Фуқаролик кодексининг (50 боби, 862 – 874 моддалари);
2. Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 18 сентябрдаги “Фирма номлари тўғрисида”ги Қонуни;
3. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 24 июндаги «Комплекс тadbirkorlik лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти» 346сон.

ФРАНШИЗА ШАРТНОМАСИ ТУШУНЧАСИ:

Бир тараф (лицензиар) иккинчи тарафга (лицензиатга) ҳақ эвазига лицензиарнинг фирма номидан ҳамда қўриқланадиган тижорат ахборотидан, шунингдек, шартномада назарда тутилган мутлақ ҳуқуқларга кирувчи бошқа объектлардан (товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ва ихтиролар ҳамда бошқалардан) лицензиатнинг тadbirkorlik фаолиятида фойдаланиш ҳуқуқини ўз ичига оладиган мутлақ ҳуқуқлар комплексини (лицензия комплекси) бериш мажбуриятини юклайдиган шартнома.

ФРАНШИЗА ШАРТНОМАСИ АСОСИДА Фойдаланишга бериладиган мутлоқ ҳуқуқлар:

- 1) Фирма номи;
- 2) Қўриқланадиган тижорат ахбороти;
- 3) Товар белгиси;
- 4) Хизмат кўрсатиш белгиси;
- 5) Ихтиролар;
- 6) Ноу-хаулар.

КОМПЛЕКС ТАДБИРКОРЛИК БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЛИЦЕНЗИЯ ШАРТНОМА

Лицензиат томонидан унга берилган лицензия комплексидан ёки унинг қисмидан лицензиар билан келишилган ёхуд франшизинг шартномасида белгиланган шартларда фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга бериш тўғрисидаги шартнома.

ФРАНШИЗА ШАРТНОМАСИГА МИСОЛЛАР:

- 1) REDTAG
- 2) Les Ailes
- 3) ВилГуд
- 4) BREADLY
- 5) Корзинка
- 6) McDonald's
- 7) Coca cola

ФРАНШИЗИНГ ШАРТНОМАСИ МУҲИМ ШАРТЛАРИ

- 1) Ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш
- 2) Шартнома предмети
- 3) Еетказиб бериладиган товар (ишлар, хизматлар)нинг миқдори
- 4) Товар сифати, тури, нархи
- 5) Бажариш муддатлари
- 6) Бажариш муддатлари
- 7) Ҳисоб-китоб тартиби
- 8) Тарафларнинг реквизитлари
- 9) Шартнома тузилган сана ва жой.

ШАРТНОМАНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

- 1) Шартнома предмети тадбиркорлик фаолиятида қўллаш учун берилади.
- 2) Шартномага асосан мутлақ ҳуқуқлар берилади
- 3) Қўриқланадиган тижорат ахбороти берилиши мумкин
- 4) Шартнома предмети ҳақ эвазига берилади
- 5) Шартномага асосан комплекс ҳуқуқлар берилади
- 6) Шартнома давлат рўйхатидан ўтказилиши шарт
- 7) Шартномага киритиладиган ўзгартиришлар ҳай рўйхатга қўйилади
- 8) Рўйхатга олинмадиган интеллектуал мулкни ўз ичига олса, ИМД
- 9) Лицензиар рўйхатга олинган органда рўйхатга олинади.

ЭЪТИБОР ҚАРАТИНГ!

Комплекс лицензияга кирувчи интеллектуал мулк объекти чет элда рўйхатдан ўтказилган бўлса, интеллектуал мулк ҳуқуқини рўйхатдан ўтказиш ва франшизинг шартномаси бўйича бериш тарафларнинг хоҳишига кўра амалга оширилади.



РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШНИ РАД ЭТИШ УЧУН АСОС БЎЛАДИ:

- 1) Ҳуқуқдан фойдаланувчилар томонидан мурожаат қилинганда.
- 2) Ҳужжатлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганда
- 3) Қасддан сохта ҳужжатлар ёки маълумотлар тақдим этилганда;
- 4) Ҳужжатларнинг қонунчилик талабларига номувофиқлиги;
- 5) Агар талаб этилса рухсатномалар (лицензиялар)нинг мавжуд бўлмаса.

ЛИЦЕНЗИАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

- 1) Лицензиатга техникавий ва тижорат ҳужжатларини топшириши ҳамда зарур бўлган бошқа ахборотни тақдим этиши;
- 2) Лицензиат ва унинг ходимларига шартномадаги ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан йўл-йўриқлар бериши шарт;

3) Лицензиатга шартномада назарда тутилган лицензияларни бериши, уларнинг белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминлаши;

4) Лицензиатга доимий техникавий ва маслаҳат ёрдами кўрсатиши, шу жумладан ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишда ёрдам бериши шарт.

ЛИЦЕНЗИАТНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

1) Шартномада назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш чоғида лицензиарнинг фирма номидан шартномада кўрсатилган тарзда фойдаланиши;

2) Лицензиат ишлаб чиқараётган товарлар лицензиатникига мос бўлиши керак;

3) Ҳуқуқларни амалга ошириш вақтида фойдаланадиган тижорат биноларининг ташқи ва ички безакларига доир лицензиар кўрсатмаларига риоя этиши;

4) Сотиб олувчилар (буюртмачилар) бевосита лицензиардан товар (хизмат, иш) ни сотиб олган (буюртма берган) вақтда уларга умид қилишлари мумкин бўлган ҳамма қўшимча хизматларни кўрсатиши;

5) Лицензиарнинг ишлаб чиқариш сирларини ва ундан олган бошқа махфий тижорат ахборотини ошкор қилмаслиги;

6) Агар шартномада тўғридан-тўғри назарда тутилган бўлса, шартлашилган миқдорда ёрдамчи лицензияларни бериши;

7) Индивидуаллаштириш воситасидан фойдаланаётганини харидорларга аниқ усулда маълум қилиши керак.

ЧЕКЛАЙДИГАН ШАРТЛАР

1) Бошқа худди шундай комплекс тадбиркорлик лицензияларини бермаслик ёки ушбу ҳудудда бевосита мустақил фаолият олиб бормаслик мажбурияти;

2) Лицензиатнинг комплекс тадбиркорлик лицензиясидан фойдаланиладиган ҳудудда лицензиар билан рақобатлашмаслик мажбурияти;

3) Лицензиатнинг лицензиарнинг рақобатчиларидан бошқа комплекс тадбиркорлик лицензияларини олишдан воз кечиши;

4) Тижорат бинolari жойлаштириладиган ерни, шунингдек уларнинг ташқи ва ички безакларини лицензиар билан келишиш мажбурияти назарда тутилиши мумкин.

ИЗОҲ: Агар бу шартлар рақобат тўғрисидаги қонунчиликка зид бўлса, монополияга қарши орган ёки бошқа манфаатдор шахснинг даъвосига кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

ҚУЙИДАГИ ЧЕКЛОВЧИ ШАРТЛАР ҲАҚИҚИЙ ЭМАС:

1) Лицензиар лицензиатнинг товарни сотиш баҳосини ёки лицензиат бажарадиган (кўрсатадиган) ишлар (хизматлар) нархини белгилашга, ёки мазкур нархларнинг юқори ва пастки чегараларини белгилаб қўйишга ҳақли бўлса;

2) Лицензиат товарларни фақат маълум тоифадаги сотиб олувчиларга (буюртмачиларга) ёки шартномада белгилаб қўйилган ҳудудда жойлашган (яшайдиган) сотиб олувчиларга (буюртмачиларга)гина сотишга, ишларни бажаришга ёки хизматлар кўрсатишга ҳақли бўлса.

Elektron hujjatning identifikatsiya raqami



**Kompleks tadbirkorlik litsenziyasi (franshizing) shartnomasi
davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida
GUVOHNOMA**

Ro'yxatdan o'tkazilgan sana
Kompleks tadbirkorlik litsenziyasi (franshizing)
shartnomasining amal qilish muddati

Litsenziatning nomi _____

Pochta manzili _____

Tashkiliy-huquqiy shakli _____

KTUT kodi: _____

STIR: _____

IFUT kodi _____

Litsenziarning nomi _____

Pochta manzili _____

Tashkiliy-huquqiy shakli _____

KTUT kodi: _____

STIR: _____

IFUT kodi _____

Franshiza obyekti: _____

Guvohnomani bergan ro'yxatdan o'tkazuvchi organ nomi:

QR-kod _____
